Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№№ 95—96 (2632—2633)
1993 ЙИЛ 3 ДЕКАБРЬ
ЖУМА
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

*8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни*

## БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Она юртимиз мустақиллигининг икки йиллигини нишонлаганимизга ҳали ҳеч қанча вақт ўтмасдан, мустақиллигимиз билан чамбарчас боғлиқ яна бир улуғ байрам — бахтимиз Қомуси — Конституциямиз қабул қилинган куннинг бир йиллиги эшик қоқиб келмоқда. Байроқ, герб ва мадҳия каби Конституция ҳам ҳар бир мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатнинг рамзларидан биридир.

1992 йил 8 декабрь куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди ва бу кун умумхалқ байрами деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси ўзининг тарихида биринчи маротаба мустақил ва демократик Конституцияга эга бўлди.

Конституциянинг давлат рамзларидан бири сифатида саналишининг сабаби, унда шу давлатнинг тузилиши, фаолиятининг асосий принциплари, фуқароларининг ҳуқуқ ва бурчлари, фуқаролар билан давлатнинг ўзаро муносабат асосларининг белгилаб қўйилишидадир. Конституция давлатнинг Асосий Қонуни ҳам ҳисобланиб, шу давлатда қабул этиладиган бошқа барча қонунлар ва ҳужжатлар Конституцияга зид бўлмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам бутун дунёдаги сиёсатдонлар, ҳуқуқшунослар Конституцияга қараб давлат тизимига баҳо берадилар.

Шу маънода бизнинг Конституциямиз халқаро миқёсдаги кўплаб ҳуқуқшунос мутахассислар, нуфузли ташкилотлар томонидан демократик давлатнинг Конституцияси сифатида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида халқимизнинг инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлиги, демократик ва ижтимоий адолатга садоқатлилиги, халқаро ҳуқуқнинг умум томонидан эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиши қайд қилинган. Инсонпарвар ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадлари ҳам қўйилган. Худди шу маънода Конституциянинг қатор моддаларида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканликлари, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгликлари, ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалиги, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар қонунлар билан ҳимоя қилиниши кафолатланган.

Конституция ғояларининг ички ва ташқи сиёсатимизда амалга оширилиши, республикада қонуннинг устиворлиги, ҳозирги кунда Ўзбекистон заминида турли миллат вакиллари тинч ва тотув ҳаёт кечириб, меҳнат қилишларига имконият яратмоқда. Собиқ Иттифоқнинг қатор давлатларида сиёсатчилар ҳокимият талашиб, қонунларни менсимай қўйганлари оқибатида бегуноҳ инсонлар қони тўкилаётган, вайронагарчиликлар ҳукм сураётган бир даврда, Ўзбекистон мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидан дадил бормоқда ва жаҳонда кун сайин ўз обрўсини орттирмоқда.

Республикада осойишталикни, ижтимоий барқарорликни таъминлашда ички ишлар идораларига катта масъулият юклатилган. Бошқа ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари каби милиция ҳам Конституциянинг асосий принциплари — қонуннинг устиворлигини ҳаётга татбиқ этишда, фуқароларнинг ҳуқуқларини, давлат ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилишда серқирра фаолият кўрсатмоқда. Биргина шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида ички ишлар идоралари фуқароларнинг ва давлатнинг жиноятчилар томонидан талон-торож этилган бир неча юз миллион сўмлик мулкларни қайтариб олинди. Кўплаб оғир ва хавфли жиноятлар очилди, ўнлаб уюшган жиноий гуруҳлар фош этилиб, ҳибсга олинди.

Мамлакатимиздаги ҳозирги барқарорлик, тинчлик — ички ишлар идораларининг барча хизматлари ходимларининг фидокорона меҳнатлари самараси ҳамдир.

Бахтимиз қомуси — Конституциямизда белгиланган улуғ мақсадларга ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг фидойи меҳнати, қонунларга бўлган чуқур ҳурмати билангина эришиш мумкин.

## Конституция кунига бағишланди

Тошкент вилояти ИИБда навбатдаги "Маърифат" дарси бўлиб ўтди. Дарсни техника фанлари доктори, профессор, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори Садир Салимов олиб борди.

Бу галги дарс мустақил Ўзбекистонимиз Конституцияси кунига бағишлаб ўтказилди.

Нотиқ ўз маърузасида Конституциямиз афзалликлари ҳақида гапирди, милиция ходимларининг саволларига жавоб қайтарди. Олимнинг пул муаммолари билан боғлиқ саволларга жавоби, айниқса, қизиқиш билан тингланди.

Дарс охирида Конституция кунини тантанали нишонлашни уюштириш комиссияси тасдиқланиб, вилоят, шаҳар ва туман ИИБларида бу тадбирни муносиб ўтказиш ҳақида келишиб олинди.

**М. МИРСОВУРОВ,**
**милиция подполковниги.**



СУРАТДА: Дўстлик тумани ички ишлар бўлими ходими, катта эксперт, милиция капитани С. Шахназаров (чапдан), соқчилик бўлимининг ходими, милиция сержанти Т. Атоев ва ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция капитани С. Пўлатовлар ҳудуд бўйича олиб борилажак ишлар режалари билан ўртоқлашмоқдалар.

**Е. БОТИРОВ олган сурат.**

## РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленуми бўлди. Унда пул ислоҳоти амалга оширилаётган ҳозирги шароитда нақд пулларни ғайриқонуний равишда республикага олиб келиш ва товар-моддий бойликларни четга олиб чиқиш билан боғлиқ жиноятларга амалдаги қонунга биноан қатъий жазо чораларини қўллаш масаласи кўрилди. Газетанинг 6-саҳифасида пленумнинг мазкур масала юзасидан қарори эълон қилинмоқда.*

## ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

### *ЗАҲАРЛАНИШ*

Бойсун туманининг "Инкобод" қишлоғида яшовчи ака-ука 32 ёшли Ў. ва Т. Холмирзаевлар 24 ноябрь куни хонадондаги табиий газни ёқиб ухлаб қолишган. Оқибатда туғишганлар кечаси билан хонадонга ёйилган газдан заҳарланиб ҳалок бўлишган.

### *ҚОТИЛ УКА*

21 ноябрь куни термизлик Равил Усмонов ўз акаси Фарид билан нимадир бўлдию жанжаллашиб қолди. Жанжал пичоқлашишга бориб тақалди. Ука ўз акасини пичоқлаб қўйди, натижада Фарид касалхонада жон берди.

### *"КамАЗ" ИШҚИБОЗИ*

20 ноябрь куни соат 24 лар чамасида 5-ПМКга қарашли давлат белгиси 00-43 ТТЗ "КамАЗ" маркали автомашина олиб қочилгани ҳақида ИИБга хабар қилинган эди. Тезкор гуруҳнинг олиб борган ҳаракатлари натижасида автоуловни ўғирлаган кимса ушланди. У Сариосиё туманида яшовчи, телевизор таъмирловчиси 24 ёшли К. Акром экан. Қизиқ, телевизор устасига "КамАЗ" машинаси нега керак бўлиб қолди экан-а? Терговда шу саволга жавоб топилади, деб ўйлаймиз.

### *ЎҒРИ АНИҚЛАНДИ*

19 ноябрь куни Термиз автовокзалида музрободлик М. Маманазаровнинг сумкасидан 281075 миқдордаги пули ўғирланган эди. Суриштирув натижасида ўғри топилди. У шу шаҳарда истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, илгари судланган 30 ёшли К. Чори бўлиб чиқди.

### *ҚИСМАТ...*

Бу воқеа Шўрчи туманида юз берди. 24 ноябрь куни 46 ёшли Х. Исматёров ухлаб ётган турмуш ўртоғини болта билан чопиб ўлдириб қўйди. Сўнг ўз жонига ҳам қасд қилиб, бошини темирга ураверган ва мақсадига етган. Х. Исматёров руҳий хаста эди...

**С. НОРМУРОДОВ,**
**Сурхондарё вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта нозири, милиция катта лейтенанти.**

## ҲАҚЛИ ЖАЗОДАН ҚУТУЛИШ ҚИЙИН

### Қалбаки пул ясовчилар ва уларнинг шерикларига республикамизда ўрин йўқ

Ҳар қандай давлат иқтисодиётининг бир маромда фаолият кўрсатиши кўп омилларга боғлиқ бўлиб, бунда мустаҳкам молиявий тизим асосий омиллардан бири ҳисобланади. Молия соҳасидаги нуқсонлар, янглишишлар ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан хўжалик фаолияти, ишлаб чиқаришда ўша заҳотиёқ ўз аксини топиши қонуният эканлиги ҳам бежиз эмас.

Давлат миқёсидаги ғоятда хавфли жиноят ҳисобланувчи қалбаки пул ясовчилик ҳақида ҳозиргача унча кўп ёзилмаган, бунинг учун алоҳида сабаб ҳам бўлмаган эди. Атиги бир неча йил олдин бундай жиноят фактлари жуда оз эди. Собиқ Иттифоқ ҳудудида юз берган жиддий сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар, республикаларнинг мустақилликка эришуви туфайли ҳозир аҳвол тубдан ўзгариб кетди.

Қалбаки пул ясовчилик билан шуғулланувчи корчалонлар ўз фаолиятларини авж олдириб юбордилар, улар каттагина иқтисодий зарар етказмоқдалар.



Суҳбатдошимиз — республика ИИВ Иқтисодий жиноятларга қарши кураш бошқармасининг катта тезкор вакили У. Довиров қалбаки пул ясовчиларга қарши курашда ички ишлар идоралари бўлинмаларининг куч-ҳаракатларини мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

— Кейинги беш йил ичида (бунда ҳозирги йил кирмайди) республика ҳудудида қалбаки пулларни мусодара қилиш фактлари миқдори ҳар йили ўртача 6-12 тани ташкил этган эди.

Ўтган йилнинг декабридан бошлаб республика ҳудудида ва МДҲ мамлакатларида 5,10 ва 50 минг сўмлик қоғоз пуллар кўплаб пайдо бўлиб қолди.

(Давоми 5-бетда).

# Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
# СУДЛАР ТЎҒРИСИДА

## БИРИНЧИ БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Суд тизими**

Ўзбекистон Республикасида беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоят хўжалик судлари фаолият кўрсатадилар.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби алоҳида Қонун билан белгиланади.

**2-модда. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги**

Ўзбекистон Республикасида одил судловни фақат суд амалга оширади.

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

**3-модда. Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги**

Суд чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий.

**4-модда. Суднинг вазифалари**

Ўзбекистон Республикасида суднинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларда ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларига риоя этилишини кафолатлашга қаратилган.

Суднинг фаолияти ижтимоий адолатни, тинчлик ва тотувликни таъминлашга, ҳуқуқий тартиб ва қонунийликни барча чоралар билан мустаҳкамлашга қаратилган.

**5-модда. Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги**

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенгдирлар.

**6-модда. Судловнинг ошкоралиги**

Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

**7-модда. Судлов олиб бориладиган тил**

Ўзбекистон Республикасида суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилади.

Судлов олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва судлов ҳаракатларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

**8-модда. Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан, шунингдек шаъни ва қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи, шахсий эркинлиги ва мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлишга ҳақли.

**9-модда. Ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш. Айбсизлик презумпцияси**

Айбланувчига, судланувчига ҳимоя ҳуқуқи таъминланади. Судловнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Айбланувчи, унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча, айбсиз ҳисобланади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

**10-модда. Судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судларининг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши қоидасига қатъий риоя қилинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

судларни ташкил этиш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳокамасига киритади;

судьяликка номзодларни танлайди ва уларни тайёрлайди;

судьяларнинг малакасини ошириш билан шуғулланади;

судларнинг моддий-техника таъминоти ва уларнинг фаолияти учун зарур шароитларини яратиш ишларини ташкил этади;

судларнинг ташкилий ишларини текширади;

халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказишни ташкил этади;

судлар томонидан ўтказилаётган суд амалиётини умумлаштириш ишида қатнашади;

суд статистикасини юритиш ва суд қарорларини ижро қилиш ишини ташкил этади;

судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Хўжалик судларини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

**11-модда. Қонунчилик ташаббуси**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ва Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ. УМУМИЙ СУДЛАР

### I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ

**12-модда. Олий суднинг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, шаҳар, туман ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Олий суд ишларни биринчи инстанцияда, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради.

Биринчи инстанция бўйича ишлар Олий суднинг уч судьясидан иборат таркибда кўрилади.

Олий суд — Олий суд Пленумининг дастурий кўрсатмалари судлар томонидан бажарилиши устидан назорат олиб боради.

**13-модда. Олий суд таркиби**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — Раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари раислари, Олий суд судьяларидан иборат бўлиб:

Олий суд Пленуми;

Олий суд Раёсати;

Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати;

Ҳарбий ҳайъатдан иборат таркибда иш олиб боради.

**14-модда. Олий суд Пленуми**

Олий суд Пленуми энг юқори суд инстанцияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг раисидан иборат таркибда иш олиб боради.

Пленум мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Адлия вазири қатнашади. Олий суд Раисининг таклифига биноан Пленум мажлисида судьялар, Олий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, вазирликлар, идоралар, илмий муассасалар, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этишлари мумкин.

**15-модда. Олий суд Пленумини чақириш тартиби**

Олий суд Пленуми тўрт ойда камида бир марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалалар бўйича ҳужжатларнинг лойиҳаси Пленум аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига, Адлия вазирига Пленум йиғилишидан йигирма кун илгари юборилади.

**16-модда. Олий суд Пленумининг ваколатлари**

Олий суд Пленуми, Пленум аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Олий суд Пленуми:

ишларни назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари юзасидан дастурий кўрсатмалар беради;

Олий суд Раисининг тақдимига биноан Олий суд Раёсатини, судлов ҳайъатларининг раисларини, шунингдек Олий суд Пленуми котибини тасдиқлайди;

Олий суд Раисининг тақдимига биноан Олий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

Раёсат иши тўғрисидаги ва Олий суд судлов ҳайъатлари раисларининг ҳайъатлар фаолияти ҳақидаги ахборотларини тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ва Адлия вазирининг қўшма тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсати таркибини ва судлов ҳайъатлари раисларини тасдиқлайди;

Судьялар олий малакали ҳайъатини сайлайди ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тинглайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қуролли Кучлар ҳарбий суди раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисида, шунингдек Олий суд Пленуми дастурий кўрсатмаларининг бажарилиши тўғрисида ахборотларини тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот органининг таҳрир ҳайъатини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**17-модда. Олий суд Пленумида суд ишларини кўриш тартиби**

Олий суд Пленуми ишни назорат тартибида кўриш чоғида Олий суд судьясининг иш ҳолатлари ва протест важлари ҳақидаги маърузасини тинглайди. Сўнгра Республика Бош прокурорининг хулосаси эшитилади. Муҳокамадан сўнг протест овозга қўйилади. Пленум аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмаслар.

Протест юзасидан қарор Пленум аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ишни биринчи инстанцияда, кассация ёки назорат тартибида кўришда қатнашган судья овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас:

Кўпчиликнинг овозини олмаган протест рад қилинган ҳисобланади. Шундан сўнг навбатига қараб бошқа таклифлар овозга қўйилади.

Қабул қилинган қарорга қарши Пленум аъзоси ўз мулоҳазаларини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эга бўлиб, бу фикр Пленум мажлиси ёзма баёнига қўшиб қўйилади.

**18-модда. Олий суд Пленумининг қарори ва йиғилиши баёни**

Олий суд Пленумининг муайян суд ишлари бўйича қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал ҳамда Жиноят-процессуал кодексларида кўзда тутилган тартибда ижро қилинади.

Пленум йиғилишида ёзма баён юритилади. Пленум қарорлари ва баёни Олий суд Раиси ва Пленум котиби томонидан имзоланади.

**19-модда. Олий суд Пленумида муайян суд ишларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаган масалаларнинг кўрилиши**

Муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган, ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Бош прокурор ёки Адлия вазири томонидан Олий суд Пленумининг муҳокамасига киритилган масалалар тегишли равишда уларнинг маърузалари бўйича ёки улар ваколат берган шахсларнинг маърузалари бўйича тингланади.

Олий суд Пленуми мажлисига таклиф қилинган шахслар ҳам ушбу масалаларни муҳокама қилишда қатнашишлари мумкин.

Пленум қарори мажлисда иштирок этаётган Пленум аъзоларининг кўпчилиги томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва қабул қилинган пайтдан кучга киради.

Пленумнинг қонунларни қўллаш масалалари бўйича дастурий кўрсатмалари судлар, ушбу кўрсатмалар берилган қонунни қўллаётган бошқа органлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий.

**20-модда. Олий суд Пленумининг котиби**

Олий суд Пленумининг котиби олий суд аъзоси вазифасини бажариш билан бирга Пленум йиғилишини тайёрлашга, мажлис баёнини юритишга доир ишларни ташкилий жиҳатдан таъминлайди. Пленум қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

**21-модда. Олий суд Раёсатининг таркиби**

Олий суд Раёсати Олий суд судьяларидан Олий суд Пленуми белгилаган миқдорда тузилади.

Олий суд Раиси, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари Раёсат таркибига лавозимлари бўйича кирадилар.

Раёсат йиғилиши ойида камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Раёсат қарори мазкур Қонуннинг 17-моддасида белгиланган тартибда қабул қилинади ва раислик қилувчи томонидан имзоланади.

**22-модда. Олий суд Раёсатининг ваколатлари**

Олий суд Раёсати:

ишларни назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўради;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди ва Қуролли Кучлар ҳарбий суди раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

судлов ҳайъатлари ва Олий суд аппарати ишини ташкил қилишга оид масалаларни кўради;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**23-модда. Олий суднинг судлов ҳайъатлари**

Олий суднинг судлов ҳайъатлари ишларни биринчи инстанцияда, кассация ва назорат тартибида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал, Жиноят-процессуал кодексларида ва ушбу қонунда кўзда тутилган қоидаларга биноан кўради.

**24-модда. Олий суд Раиси**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси:

Олий суд фаолиятига ташкилий раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг ижросини тўхтатиб туради;

суд амалиётини умумлаштириш, шунингдек Олий суд Пленуми дастурий кўрсатмаларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ишларини ташкил этади;

ишларни республиканинг бир судидан иккинчи судига олиб бериш масаласини ҳал қилади;

Олий суд Пленуми ва Раёсатини чақиради. Уларнинг мажлисида раислик қилади;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

Олий суд Пленумининг дастурий кўрсатмалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги ҳақида Олий суд Пленумига тақдимнома киритади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларини шарҳлаб бериш ва норматив ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос келмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимнома киритади;

Олий суд Пленумига судлов ҳайъатларининг таркиби, уларнинг раислари ҳақида, Олий суд Раёсати ва Судьяларнинг олий малака ҳайъати таркиби тўғрисида тақдимнома киритади;

вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ва ҳарбий судлар судьялигига номзодлар юзасидан, кейинчалик улар хусусида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига хулосалар юборади;

Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзғатади;

Раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Олий суд ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

Олий суднинг штатлар жадвалини тасдиқлайди;

фуқароларни шахсан қабул қилади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**25-модда. Олий суд Раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари**

Олий суд Раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари:

Олий суд Пленуми қарорларидан ташқари барча инстанция судларининг ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритадилар;

Олий суд судлов ҳайъатларининг мажлисларида раислик қилишлари мумкин;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб оладилар;

Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан чиқарилган, ўзлари протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб турадилар;

фуқароларни шахсан қабул қиладилар;

вазифа тақсимотига мувофиқ Олий суднинг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қиладилар;

қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар;

Олий суд раисининг йўқлигида унинг

(Давоми 3-бетда.)

## Ижодкор милиционерлар

Вилоятда ўндан ортиқ бадиий ижод билан шуғулланувчи милиция ходими бор. Бувайда тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг муовини милиция майори Акрамжон Умаровнинг ўткир публицистик руҳдаги мақолалари нафақат вилоят, балки республика рўзномаларида ҳам чоп этиб турилади. У мақолалар ёзиш билан чекланмайди, яхшигина шеърлар ҳам битади. Учкўприк туман ИИБ ахлоқ тузатиш хизмати нозири, милиция капитани Муҳиддин Исройлов эса фалсафий ва муҳаббат руҳидаги шеърлари билан танилган. Унинг хизматдоши милиция майори Адҳамжон Маматқулов кўпроқ ҳажвий шеърлар битади.

Яқинда бўлиб ўтган бошқармадаги "Маърифат" дарсларида Адҳамжон Маматқулов хизмат бурчини ўтаётганда ҳалок бўлган тошкентлик милиция ходими Тошқул Сувонқулов хотирасига бағишлаган шеърини таъсирли ўқиб берди.

Шу куни учрашув тинчлик посбонларида ғоят катта таассурот қолдирди.

Биз ижодкор ходимлар билан келишган ҳолда уларнинг туман, шаҳар ички ишлар бўлимларида ҳам учрашувларини ташкил этишга келишиб олдик. Шунингдек, келгусида китоб нашр қилиш ниятини амалга оширишни маҳаллий нашриёт билан режалаштирдик. Келгусида ходимлар ишдан бўш пайтда шуғулланувчи севган машғулотлари бўйича ҳам суҳбатлар ўтказиш, алоҳида клублар ташкил қилишга қарор қилдик.

**М. КИМСАНБОЕВ,**
**Фарғона вилояти,**
**милиция майори.**

*Спорт*

## МАҲОРАТ САБОҒИ

Қашқадарё вилояти ички ишлар идоралари ўртасида ҳар йили футбол мусобақаси ўтказилиши одатга айланган. Яқинда навбатдаги финал ўйинининг якуний мусобақаси бўлиб ўтди. Бунда ички ишлар идораларининг ва вилоят миллий хавфсизлиги хизмати бошқармасининг жамоаси иштирокида ўртасида ўтказилган учрашувларда ғолиб чиққан 6 жамоа қатнашди. Барча турда ғолиблик нашъасини сурган Қарши шаҳар ички ишлар бўлими жамоаси финалда Қарши туманидаги ҳамкасблари билан беллашди. Иккала жамоа ўртасидаги ўйин асосий ва қўшимча вақтларда тенг кураш остида ўтди. Ғолибларни аниқлаш учун ўн бир метрдан тўп тепиш белгиланди. Бунда Қарши шаҳар ИИБ футболчиларининг маҳорати туфайли финал мусобақаси уларнинг фойдасига (4:1) ҳал бўлди.

Моҳир тўпурарлардан Хайрулла Нормуродов, Муҳиддин Очилов, Қаҳрамон Салоҳов, Ориф Раҳмоновлар зарбаси бехато кетди. Ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлашда моҳир дарвозабон Аҳмад Жабборов ўзига хос ўйин кўрсатди. Фахрли иккинчи ўрин билан қаноатланган Қарши тумани ИИБ футбол жамоаси аъзоларидан Неъмат Амирқулов ва Ихтиёр Мардоновларнинг ўйин услублари ҳам томошабинларда илиқ таассурот қолдирди. Учинчи ўринни Яккабоғ тумани ИИБ футбол жамоаси эгаллади.

— Футбол мусобақалари ҳар йилгидан ҳам бу йил қизиқарли ўтди, — дейди бошқарма шахсий таркиб билан ишлаш хизмати катта назоратчиси, милиция капитани, спорт устаси Боқи Тўрабоев, — ўйинчиларда тактик маҳорат ошганлиги ҳар бир ўйинда кузатилди.

— Нафақат футбол ўйини, — дея гапга қўшилди вилоят ИИБ "Динамо" спорт жамиятининг раиси ўринбосари, ички хизмат капитани, кураш бўйича республика мутлоқ чемпиони, спорт устаси Ҳаким Ҳайитов, — шахмат-шашка, енгил атлетика, тош кўтариш, биллиард ўйинлари мусобақаси ҳам ташкил этилди. Бундай тадбирларни янада кучайтиравeрамиз. Чунки, спорт нафақат сиҳат-саломатлик гарови, балки инсоннинг энг яқин ҳимоя воситаси ҳамдир.

**Ў. ҲАЙДАРОВ,**
**вилоят ИИБ матбуот гуруҳи катта нозири,**
**милиция катта лейтенанти.**



*Қиш маликаси*

**А. САПАРМАТОВ фотоэтюди.**

## Қидирилмоқда



Тошкент вилояти, Янгийўл тумани ИИБ томонидан бедарак йўқолган, тумандаги Ниёзбош қишлоқ кенгаши, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уйда яшовчи, 1929 йилда туғилган **Абдухалил Абдураҳмонов** қидирилмоқда.

**Белгилари:** бўйи 175-180 см. атрофида, юзи чўзинчоқ, сочи сийрак, қошлари ўртача қалинликда ва ёйсимон.

**Кийими:** эгнида сариқ кўйлак, кўк рангли шим, оёғида қора ботинка бўлган.

**Алоҳида белгилари:** чап оёғининг тиззаси қаттиқ куйиш натижасида букилиб қолган, иккита қўлтиқтаёқ билан юради.

А. Абдураҳимовнинг кейинги тақдиридан воқиф бўлганлардан бу ҳақда Янгийўл тумани ИИБ ёки энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Тошкент вилояти, Янгийўл тумани ИИБ томонидан бедарак йўқолган **Дилбар Абдухалилова** ва унинг бир яшар ўғли **Обиджон Зокировлар** қидирилмоқда. Дилбар Абдухалилова 1973 йилда туғилган. турар жойи Янгийўл тумани, Ҳалқобод шаҳарчасидаги Ватан участкаси.

**Унинг белгилари:** бўйи 160-165 см. атрофида, юзи чўзинчоқ, лаблари юпқа, қора соч, кўзлари қора, қошлари ёйсимон.

**Кийими:** бошида қизил рангли, гулли рўмол, эгнида атлас кўйлак, оёғида шиппак бўлган.

**Алоҳида белгилари:** қорнининг ўнг томонида чандиқ бор. Д. Абдухалилова ва унинг ўғли ҳақида бирон бир маълумотга эга фуқаролардан бу ҳақда Янгийўл туман ИИБга ёки яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

*Мутахассис маслаҳати*

## МАККОР КАСАЛЛИК

12 ноябрда Тошкентда ЖСТ (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти) ҳомийлигида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)нинг олдини олиш масаласи муҳокама қилинди. Унда испаниялик шифокор Касабона дунёнинг бир қатор минтақаларида ОИТС эпидемиясини амалда назорат қилиб бўлмаётгани ҳақида сўзлади. Бу касалликнинг олдини олувчи эмлаш воситаси эҳтимол беш йилдан сўнггина пайдо бўлиши мумкин. Семинарда келтирилган маълумотларга қараганда, 1993 йил октябрь ойида дунёда ОИТС билан касалланган 719 минг бемор ва уни юқтириши мумкин бўлган 20 миллион киши рўйхатга олинган. ЖСТ бундай кишилар 40 миллионга етиши мумкин деб ҳисоблайди. Унинг маълумотларига қараганда, ОИТС вирусини юқтирувчи кишилар Африка мамлакатларида 7,5 миллион, АҚШда 2 миллион, Жануби-Шарқий Осиёда 1,5 миллион, Ғарбий Европада 500 минг кишига етган.

Касалланишларни назорат қилиш бўйича АҚШ миллий марказининг хулосалари бу мамлакатда 25-44 ёшдаги эркаклар ўлимининг асосий сабабчиси ОИТС эканлигидан далолат беради. Ана шу ёшдаги хотин-қизлар ўртасида у камроқ тарқалган ва ўлим сабабчиси сифатида тўртинчи ўринда туради.

АҚШда яқинлари ёки қариндошлари ОИТС билан оғримаган оилалар амалда топилмайди.

Бу борада МДҲ мамлакатларида вазият анча яхши. Бу ерда шу йил октябрида ОИТС билан касалланган 217 бемор ва вирус юқтирувчи 1611 киши рўйхатга олинган. Бу борада Россия (663 киши), Украина (118 киши) ва Эстония (30 киши) етакчи ўринларни ишғол этади.

Бизнинг республикамизда вирус юқтирувчилар аввалгидек беш киши, ОИТС билан оғриганлар 1 киши, ундан вафот этганлар 1 кишини ташкил этади. Бу касаллик АҚШда ҳам 1981 йилда беш киши бемор бўлишидан бошланган эди.

Даволаш-профилактика муассасаларимизнинг тиббий асбоб-ускуналар, стерилизациялаш асбоблари ва ана шу вирусни аниқлаш учун сифатли ташҳис препаратлари билан қониқарли таъминланмаганлигини ҳисобга олсак, аҳвол яхши эмас.

Мавжуд баҳолашларга қараганда, ОИТС билан боғлиқ бевосита ва билвосита харажатлар бутун дунёдаги соғлиқни сақлаш тизими учун 50 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Бу касалликнинг бундан буён тарқалиш истиқболи жуда катта ижтимоий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, зеро у жамиятнинг навқирон ва иқтисодий жиҳатдан энг маҳсулдор аъзоларини сафдан чиқаради.

Бинобарин, ана шу даҳшатли касалликка қарши курашнинг энг самарали йўлларидан бири — ОИТСнинг олдини олишдир. Бунинг учун тиббий чоралардан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг куч-ҳаракатлари, тегишли қонунчилик базаси ҳам тақозо этилади.

**А. РИДВАНСКИЙ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси республика санитария-эпидемиология станциясининг эпидемиолог шифокори.**

## ЭЪЛОН

1984 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти томонидан **Алишер Эркинович Тошев** номига берилган 449315 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Ўзбекистон халқ артисти

**Икрома БОЛТАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан Ҳамза номли Давлат академик драма театри жамоасига ва марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.


- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

**Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Г — 710, 33.130 нусхада босилди.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

**Обуна рақами — 64615.**

**Муҳаррир ўринбосари Сиддиқ СУЛАЙМОНОВ**

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ:** 700029, Тошкент, Наврўз кўчаси, 1.

*«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.*
*Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.*

1, 2, 3, 4, 5, 6.